



160  
Проверт  
27.02.2018

2016 у.г. «28» июн № 2126-1С Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини  
МЧ «Конирил-агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Сатторов  
Шухратга автокемпинг қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2016 йил 30 мартдаги 14-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Сатторов Шухратнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Сатторов Шухратга автокемпинг қуриш учун тумандаги «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ «Конирил-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг контуридан жами 0,63 га (шундан: 0,36 га автокемпинг қуриш учун ва 0,27 га ободонлаштириш учун 61-балл бонитетли сувли ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 14-сонли қарорининг 1-иловасига асосан автокемпинг қуриш ва ободонлаштириш учун ажратилган 0,63 га 61 балл-бонитетли сувли ҳайдалма ер майдони учун 21 492 362 сўм миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисобидан қилинган ўтказиш вазифаси фуқаро Сатторов Шухратга юклатилсин.
4. Автокемпинг қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Сатторов Шухратга топширилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Кадиров